

МАЛАКА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА № 006138-сон

Тошкент ш.

2022 йил 10 январь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 531-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Уставига мувофиқ Марказ директори ўринбосари К.Исламов (бундан буён матнда "Марказ" деб аталади) бир томондан "Тошкент-АЭРО" ИБК номидан Низом асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари А.Мухаммадиев ва (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб аталади) иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22-ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган "Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида"ги низом ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда малака ошириш курсларини сифатли ташкил этишни, Буюртмачи эса малака ошириш билан боғлиқ харажатларни тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Малака ошириш курсларида ўқув машғулотлари Марказ томонидан тасдиқланадиган 72 академик соатдан иборат ўқув дастурлари асосида олиб борилади.

2. Малака ошириш учун белгиланган тўлов ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Ўқув курси бўйича белгиланган тўлов бир киши учун қўшимча қиймат солиғисиз 1350000 сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи томонидан 1 нафар ходим учун 1350000.0 сўм ўтказилади.

2.3. Буюртмачи олдиндан шартнома қийматининг 30 фоиз тўловини шартнома имзолангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтганидан кейин ўн банк иш куни мобайнида Марказнинг ҳисоб-рақамига ўтказиб беради.

2.4. Буюртмачи шартнома қийматининг қолган 70 фоиз тўловини Марказ томонидан тақдим этилган ҳисоб фактурага асосан, беш банк иш куни давомида амалга оширади.

2.4. Буюртмачи шартноманинг иккинчи нусхасини малака ошириш ўқув курси бошланган вақтда электрон дастурга бириктирилишини таъминлайди.

2.6. Малака ошириш курсларининг аниқ вақти малака ошириш курсларини ташкил этишга масъул ташкилот билан келишилган ҳолда белгиланади.

3. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Марказ қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

малака ошириш жараёнини сифатли ташкил қилишни таъминлаш;

машғулотларни соҳа бўйича юқори малакага эга бўлган профессор-ўқитувчи ва амалиётчи мутахассислар томонидан ўтказилишини таъминлаш;

тингловчиларни ўқув материаллари, техник воситалар, компьютер техникалари ва кутубхонадан фойдаланишини таъминлаш;

малака ошириш курслари якуни бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат бериш.

Марказ томонидан малака ошириш курси битирувчиларига электрон сертификатлар ноёб идентификация рақами ва QR-код ҳамда ҳимоя элементларини назарда тутувчи “Электрон сертификатлар репозиторийси” тизими орқали тақдим этилади.

4. Буюртмачининг мажбурияти

4.1. Буюртмачи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

малака ошириш учун белгиланган тўловни ўз вақтида амалга ошириш;

малака ошириш курслари бевосита Марказда ташкил этилган ҳолларда тингловчиларни белгиланган муддатда Марказга етиб келиши ва машғулотларда тўлиқ қатнашишларини таъминлаш (қатнашиш);

малака ошириш курслари онлайн шаклда ташкил этилганда тингловчиларни онлайн ўқув машғулотларида бевосита иштирок этишини таъминлаш (бевосита иштирок этиш);

малака ошириш курслари масофавий оффлайн шаклида ташкил этилганда тингловчиларни Марказ масофавий таълим платформасига жойлаштирилган электрон ўқув-контентларини тўлиқ ўзлаштиришини таъминлаш (ўзлаштириш);

буюртмачи белгиланган муддатларда тингловчиларни малака оширишга юбормаган ҳолларда, тингловчилар жорий ўқув йилининг кейинги ойида ўқитилади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Ушбу шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим бўлган даражада бажармаслик томонлар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликни юзага келтиради.

5.2. Шартнома юзасидан вужудга келадиган ҳар қандай низоли масалалар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган ҳолларда низо суд тартибида ҳал этилади.

5.3. Ушбу шартномани бажаришда томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиладилар.

6. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби ҳамда бекор қилиш

6.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томон имзолагандан сўнг кучга киради.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларда ва тартибда амалга оширилади.

14	YURIDIK XIZMAT	№ 10
IMZO		

6.3. Шартнома қуйидаги ҳолларда Марказ томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин: тингловчи Марказ Уставига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ тингловчилар сафидан чиқарилганда;

малака ошириш учун белгиланган тўлов тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилмаганда;

6.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга бу ҳақда ёзма хабарнома юборади.

7. Форс мажор ҳолатлари

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди. Ваколатли орган томонидан берилган махсус ҳужжат енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч узлуксиз амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

8. Бошқа шартлар

8.1. Буюртмачи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва малака ошириш курсларига мутахассисларни жалб қилиш юзасидан Марказга таклифлар киритиши мумкин.

8.2. Тингловчи узрсиз сабабларга кўра машғулотларда қатнашмаган ёки администратор томонидан берилган электрон логин ва парол орқали масофавий таълим платформасида ўқув курсини бошлаган ёхуд узрсиз сабабларга кўра (меҳнат шартномаси бекор қилинган, бошқа ишга ўтган) белгиланган ўқиш муддати давомида ўқув курси модулларини (маъруза, видеомаъруза, тақдимот слайдлари, глоссарий) яқунламаган, шунингдек белгиланган тартибда Марказ тингловчилари сафидан чиқарилган ҳолларда, Марказ ҳисоб рақамига ўтказилган тўлов суммаси Буюртмачига қайтарилмайди.

8.3. Марказ масофавий таълим платформасига жойлаштирилган электрон ўқув-контентларини узрли сабабларга кўра ўзлаштирмаган тингловчилар якуний синов имтиҳонига қўйилмайди ва бундай ҳолда тингловчи кейинги гуруҳлар билан бирга ўқув курси бўйича электрон ўқув-контентларини тўлиқ ўзлаштирганидан сўнг якуний синов имтиҳонини топширишга рухсат берилади.

8.4. Якуний синов имтиҳонидан (суҳбат) ўта олмаган тингловчи Марказ томонидан белгиланган муддатда қайта синов имтиҳонини топширади. Қайта ўтказилган синов имтиҳонидан ўтмаган тингловчи Буюртмачи томонидан тегишли тўлов амалга оширилганидан кейин, навбатдаги

гуруҳ машғулотларида қайтадан малака ошириш курсидан ўтади.

8.5. Узрли сабаб билан малака ошириш курсини якунига етказа олмаган тингловчи тарафлар келишувига биноан навбатдаги гуруҳ билан биргаликда малака ошириш курсини якунлаши мумкин.

8.6. Якуний синов имтиҳонида узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган тингловчи навбатдаги гуруҳ тингловчилари билан биргаликда малака ошириш курсини якунлаши мумкин.

8.7. Малака ошириш курсларида ўқув жараёни, қоидага кўра, 25 нафардан ортиқ бўлмаган тингловчилардан иборат академик гуруҳларда ташкил қилинади.

8.8. Тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база мавжуд бўлган тақдирда малака ошириш ўқув курслари масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда онлайн ёки оффлайн шаклида ташкил этилади.

8.9. Марказ тингловчиларни турар-жой билан таъминлаш мажбуриятини олмайди.

8.10. Ушбу шартномада назарда тутилмаган барча шартлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

9. Алоҳида шартлар

9.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь қадар амал қилади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия
Вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази
Молия вазирлиги Ғазначилиги**
х/р 23402000300100001010
ХККМ МБ ББ Тошкент ш.

МФО 00014

ИНН-201122919

л/с. 400110860262697096200009001

ИНН 201991922 ОКЭД-85590

100052, Тошкент шаҳри, Катта-Дархон

кўчаси, бўй

Тел. (71) 234-53-46

Марказ директори ўринбосари

К.Исламов

Юрисконсулт

Ж.Жўраев

Буюртмачи

**"Тошкент-АЭРО" ИБК
Toshkent sh.
Markaziy bank
23404000103616129327**

00014

202450011

А.Мухаммадиев

14	YURIDIK XIZMAT	№ 10
IMZO 2022 YIL 10 OY		